

Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси тўғрисида
Н И З О М

I. У мумий қоидалар

1. Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси (кейинги ўринларда «Бошқарма» деб юритилади) шаҳарда архив иши бўйича давлат бошқарувининг махсус ваколатли органи ҳисобланади.

Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига бўйсунди ҳамда фаолияти тўғрисида уларга ҳисобот беради.

2. Бошқарма тизимига Тошкент шаҳар давлат архиви киради ва у ўз фаолияти жараёнида Тошкент шаҳар Архив иши бошқармасига бевосита бўйсунди.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Тошкент шаҳар Ҳокимининг қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг низомлари, йўриқномалари, қоидалари, буйруқлари ва кўрсатмаларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларни бевосита, шунингдек унга бўйсунувчи, ўз фаолиятини бошқарма томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширувчи Тошкент шаҳар давлат архиви орқали ҳал қилади.

II. Бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳрида архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Шаҳарда архив иши соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

Бошқарма тизимидаги архив муассасалари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш, уларнинг сифатли ва самарали ишларини таъминлаш;

Бошқарма тизимидаги архив муассасалари ва идоравий архивларда сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини жамлаш, сақловини таъминлаш, давлат ҳисобини олиб бориш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;

Бошқарма тизимидаги архив муассасаларининг архившунослик, ҳужжатшунослик ва археография ишларини юритиш масалалари бўйича ташкилий-услубий ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш, илмий-тадқиқотлар ва илмий-техникавий ютуқлар натижаларини бошқарма тизимидаги архивлар, идоравий ва идоралараро архивлар амалий фаолиятига жорий этиш;

Ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолатини таҳлил қилиш ва уларни ривожланиш анъаналари ва қонунчилигини ўрганиш;

Идоравий архивлар фаолиятига ва Тошкент шаҳридаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг иш юритишига оид ҳужжатларни ташкил этиш юзасидан ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

Архив иши соҳасидаги мамлакатимиз ва чет эл илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва уларни жорий этиш;

шаҳарда архив ишини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан зарур таклий иларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Тошкент шаҳрида давлат архиви ва ташкилотлар архив муассасалари тизимида архив иши ва иш юрителини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига тааллуқли ахборот ресурслари сақловини таъминловчи электрон архивларнинг яратилиши ва фаолият юрителини йўлга қўйиш ҳамда мувофиқлаштириш;

6. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

Шаҳарда архив иши ва иш юрителини ривожлантириш Дастурларини ва Мақсадли мўлжалларини амалга оширади;

Бошқарма тизимидаги архив муассасаларида сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг ҳужжатлар билан жамланиши ва сақловини таъминлаш, улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар, қарор ва фармойишлар лойихаларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритади ва амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг шаҳар архив муассасаларида жамланиши ва сақланишини ташкил этади, ҳужжатларнинг шаҳар давлат архивига топширилишида, жамоат ташкилотларида ва фуқаролар қўлида сақланаётган тарихий ва маданий ҳужжатли ёдгорликлар билан тўлдирилишда белгиланган тартибга риоя қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг шаҳар давлат архивида ва идоравий архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг, шунингдек жамоат ташкилотларида ҳамда фуқаролар қўлида сақланаётган тарихий ва маданий ҳужжатли ёдгорликларнинг шаҳар фонд каталоги бўйича давлат ҳисобини олиб боради, улар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига белгиланган тартибда маълумотлар беради;

Бошқарма тизимидаги архив муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини жамлаш, руйхатга олиш, давлат ҳисобини олиб бориш, сақловини таъминлаш ва улардан фойдаланиш ишларини ташкил этади;

Тошкент шаҳрида архив иши соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини мунтазам назорат қилиб боради;

Шаҳарда архив ишини ривожлантиришни истиқбол ва жорий режаларини ишлаб чиқади ва бажарилишини таъминлайди;

Шаҳар давлат архивлари тизими ва тузилмаларини такомиллаштириш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этади ва олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлигига шаҳар давлат архиви филиалларни ташкил этиш ёки тугатиш ҳақида таклифлар киритади, Тошкент шаҳар Ҳокимининг янги филиалларни очиш тўғрисидаги қарори лойихасини келишишда қўмаклашади;

Тошкент шаҳридаги ташкилотлар иш юрителидаги ҳужжатларни ташкил этиш ҳамда идоралараро (жумладан, шахсий таркиб бўйича) архивлар иши устидан ташкилий-услубий раҳбарликни амалга оширади;

Архив муассасаларининг услубий ишларини ташкил этади, архив иши ва иш юрители амалиётига илмий-техникавий ютуқларни, архившунослик бўйича илмий тадқиқотлар натижаларини жорий этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

Ҳужжатларнинг, жумладан давлат ахборот ресурсларини илмий ва амалий қимматдорлиги экспертизасини ташкил этади ва давлат ҳамда электрон архивларнинг доимий сақдовига танлаб олади;

Тошкент шаҳридаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг илтимослари ва фуқароларнинг тарихий-хужжатли ёдгорликларни тўплаш учун рухсат сўраб ёзган аризаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади, улар юзасидан хулосалар тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига тақдим этади;

Шаҳар ва туманлардаги тарихий-хужжатли ёдгорликларни махсус рухсатномалар рўйхати асосида тўпланишини назорат қилади;

белгиланган тартибда шаҳар давлат архивида сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатлари таркиби ва мазмуни тўғрисида маълумот-ахборот адабиётларининг нашр этишни ташкил қилади;

Шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатлари таркибига киритилиши керак бўлган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари тоифасини белгилайди;

Республика ва чет эл архивларининг илғор иш тажрибаларини ўрганиб оммалаштиради, архив иши ва иш юритиш хужжатларини ташкил этиш бўйича кенгашлар, семинарлар, машғулотлар ўтказди;

Қонунчиликда белгиланган тартибда шаҳар архив муассасалари томонидан пуллик хизматлар кўрсатишни ташкил этади ва хизматлар спекторини кенгайтиради;

Тошкент шаҳрида архив иши ва иш юритишни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар, жумладан чет эл грантлари ва бошқа лойихаларни жалб этилишини ва сифатли амалга оширилишини таъминлайди;

Нодавлат архив фондлари хужжатларини давлат томонидан сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқини амалга оширади;

Тошкент шаҳар бюджет лойихасига шаҳар давлат архивлари таъминотига зарур бўлган харажатлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқади, уларнинг молиялаштирилиши ва сарфланишини назорат қилиб боради;

Шаҳар архив муассасалари, идоравий архивлар ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг иш юритиш хизмати ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ташкил этади;

Архив иши ва иш юритиш соҳасига сифатли кадрлар тайёрлаш борасида Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта махсус, касб ҳунар ўқув масканларига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ахборот ресурслари ва электрон хужжатларнинг хавфсизлигини таъминлашни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг ўта қимматли ва ноёб хужжатларини суғурта нусхаларини яратишни ташкил этади;

Фуқаролар мурожаатларини, шу жумладан консуллик сўровларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини ташкил этади ва таъминлайди;

Бошқарма архив иши бўйича қонун ва меъёрий хужжатларда назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Бошқарма ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Архив иши ва иш юритишни янада яхшилаш ҳамда уларни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигига таклифлар киритиш;

Бошқарма ваколати доирасида шаҳар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлардан (уларни мулкчилик шаклидан қатъий назар) архив иши ва иш юритишга оид ҳамда бошқа зарур маълумотларни сўраб олиш;

Бошқарма фондлар каталоги учун Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини доимий сақловчи шаҳар давлат архиви ҳамда идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур бўлган маълумотларни олиш;

Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органларидан тугатилаётган ташкилотлар ҳақида маълумотларни олиш;

Шаҳардаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар вакилларининг архив иши ва иш юритиш ҳужжатларини ташкил этиш масалалари бўйича ҳисоботларини тинглаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши зарур бўлган кўрсатмаларни бериш;

Шаҳардаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган Архив иши ва иш юритиш ҳужжатларини ташкил этиш масалаларига доир низомлар, йўриқномалар, қоидалар, йиғмажилдлар номенклатуралари, ўқув дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни келишиб бериш;

Мансабдор шахсларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг ўғирланиши, яроқсиз ҳолга келтирилиши, яширилиши ёки ноқонуний йўқ қилинишига олиб келган шароитлар яратганлиги тўғрисида қатъий чоралар кўриш учун шаҳарнинг тегишли тергов органларига хабар қилиш;

Архив иши ва иш юритиш масалаларини муҳокамаси учун доимий ва вақтинчалик идоралараро комиссиялар ва кенгашлар тузиш;

Бошқарма ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқадиган ваколатлари доирасидаги бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

8. Бошқарманинг масъул ходимлари ўз хизмат бурчларини бажаришлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг (уларнинг мулкчилик шаклларидан қатъий назар) архивлари ва иш юритиш хизматларига белгиланган тартибда кириш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Бошқарма Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини жамлаш, шакллантириш, давлат ҳисобини юритиш, сақловини таъминлаш ва улардан фойдаланиш ҳамда тизимидаги архивлар фаолиятини ташкил этиш учун жавоб беради.

IV. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

10. Бошқармага Тошкент шаҳар Ҳокими билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

11. Бошқарма бошлиги:

Бошқарма зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» Агентлиги низомлари, йуриқномалари, қоидалари, буйруқлари ва кўрсатмаларини бажарилиши учун шахсан жавоб беради, Бошқарма ходимларининг, шунингдек шаҳар давлат архиви ҳамда шахсий таркиб бўйича идоралараро Марказий архиви директорларининг фаолиятига раҳбарлик қилиш жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Шаҳар ҳокимлиги қарорлари, фармойишлари ва кўрсатмаларини бажариш учун уларга асосланган ҳолда ўз тасарруфидаги ташкилотларга тегишли буйруқлар ва кўрсатмалар беради;

Бошқарма девони ходимларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва шаҳар Ҳокими билан келишилган ҳолда - Тошкент

шаҳар давлат архиви ҳамда Тошкент шаҳар шахсий таркиб бўйича идоралараро Марказий архиви директорларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Бошқарма девони меҳнатига ҳақ тўлаш фондини, штатлар жадвалини, Бошқарма девони ва Тошкент шаҳар давлат архивини таъминлаш харажатлари сметасини тасдиқлайди, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармаси билан келишилган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда рағбатлантириш тизими ва миқдорини белгилайди.

12. Тошкент шаҳар архив иши бошқармаси ходимларининг умумий сони ва тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Вазирлар Маҳкамасининг 26.08.2008 йилдаги №194 қарори 4-иловасига мувофиқ) томонидан тасдиқланади.

13. Бошқармада таркибида 5 нафар аъзоси бўлган Дирекция тузилади:

Бошқарма бошлиғи (Дирекция раиси);
Давлат архиви директори (Дирекция раиси ўринбосари);
Бошқарма бош мутахассиси (Дирекция котиби);
Шахсий таркиб бўйича идоралараро Марказий архиви директори (Дирекция аъзоси);

Бошқарма катта инспектори (Дирекция аъзоси);
Дирекция Низоми ва шахсий таркиби Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади;

Дирекция ўз мажлисларида шаҳарда архив ишини ривожлантириш, жорий ва истиқбол режаларини бажарилиши, услубий қўлланма ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари, идоралараро алоқаларни ривожлантириш ҳамда Тошкент шаҳар давлат архиви, шахсий таркиб бўйича идоралараро Марказий архиви, идоровий архивлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг иш юритиш хизмати фаолиятининг бошқа масалаларини муҳофаза этади, тегишли қарорлар қабул қилади.

Дирекция қарори Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланган баённома билан расмийлаштирилади. Бошқарма бошлиғи ва Дирекция аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда, Бошқарма бошлиғи ўз қарорини ҳаётга татбиқ этади ва юзага келган келишмовчиликлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига ахборот беради. Дирекция аъзолари ҳам ўз ўрнида ўз фикрларини шу манзилга маълум қилишлари мумкин.

14. Бошқармада шаҳар давлат архиви ва идоровий архивларда сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибини белгилаш ва ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизасини ўтказиш, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳужжатларини ташкил этиш, шакллантириш ва иш юритиш билан боғлиқ амалий масалаларни кўриб чиқиш мақсадида эксперт-текширув комиссия (ЭТК)си фаолият кўрсатади.

15. Бошқарма мустақил сметага эга бўлиб, Тошкент шаҳар давлат архивини ҳисобга олган ҳолда шаҳар бюджети ҳисобидан таъминланади.

16. Бошқарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларига эга бўлади.

17. Бошқармани қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.